



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 1-avgust • № 31 (3963)


ИСТИҚЛОЛ ВА БАДИИЙ ТАФАККУР

Хаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш шеърятимиз тараққийнинг барча даврларида етакчи хусусият бўлиб келган. Бадий ҳақиқатга эришишнинг эса йўллари кўп, усуллари хилма-хил. Хусусан, мажозий, тиссолли образлилик воқеликни рамазлар воситасида реалистик идрок этишнинг шаклларидан бири. Бугунги фалсафий лирикада хаёт ва ўлим, тирикликнинг мазмун-моҳияти, эзулик, ишқ-муҳаббат, садоқат ва хиёнат сингари бадийнинг боқий мавзулари теран тадқиқ этилмоқда.

Чунончи, Маъруф Жалилнинг "Умринг боғин бебаб баҳор, ёз келди", Ойдин Хоживанинг "Шошма кўнгли, баҳор билан хайр-хўшга кўн энди", Махмуд Тоирнинг "Айт, дийдорнинг дудоғи қайда", Усмон Азимнинг "Фақат ел ҳайдағай майсалар бўйин", Сирожиддин Сайиднинг "Дил йўли гоёт узундир", Муҳаммад Раҳмоннинг "Дахр аро топармиз йўқотган шонини", "Баҳор соғинчи", Иқром Отамуроднинг "Идрок вужудида улғайган Дунё", Азиз Саиднинг "Бошидан товонгача жилга жилдирар", Фарида Афрўзининг "Эй, ишқталаб, бўстонингда адашдим", Азим Суюннинг "Фақат севги, фақат муҳаббат" сингари туркумлари алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эзулик, гўзаллик, адолат принциплари асосланган, мумтоз шеърятимизда шакланган умуминсоний гуманистик гоғлар ҳозирги шеърятимизнинг бадий ифода воситаларини кенгайтирмоқда. Классик адабиётимиздаги хаётбахш гоғлар тизими ўзликини англашда, олам ва одам сир-синоатларини тушунишда, тушунтиришда катта ёрдам бермоқда.

Бу борада устоз Абдулла Ориповнинг "Мағзи тўқ бошқонинг эгилишин кўр", "Янги шеърлар", "Зардушт сўзи", Эркин Воҳидовнинг "То жаҳонда бор эканман", Рауф Парфининг "Бир қушча сайрайди менинг руҳимда", "Дунёларни тўлдирман мейраг", Шавкат Раҳмоннинг "Хар бир рангда хақиқат бордир", Абдулла Шерининг "Мен тоғларда тоғ қадар ўсдим", "Ўқитади мени ҳам япроқ", Матназар Абдулҳакимнинг "Хожа Абдулоқиб Гўшадоний ёди", "Ошиқлар қисмати", Муҳаммад Исмоилнинг "Сен менинг ёшлигим" туркумлари алоҳида таъкидлаш жоиз. Боғ, Дарахт, Йўл, Офтоб,



Тонг, Нур, Шамол, Қуш, Сув, Тупроқ, Куй сингари рамзли образларнинг маъно теранлиги шоирлар бадий дунёсининг нечоғли бойлигидан, гўзал ҳиссий тафаккур миқёсларидан дарак беради. Иккинчидан, истиқлол йиллари бадий тафаккуридаги сифат ўзгаришлари нафақат XX аср классикаси, шунингдек, Шарқ ва Ғарб, Латин Америкаси, япон, ҳинд, инглиз адабиётларидаги бадий-эстетик таърибларидан озиқланишда ҳам зўжур топаётган. Сибёсатлашмаган, мафкуравий манфаатдорликдан холи кўнгли шеърятининг устувор хусусияти бўлиб қолди.

Давоми тўртинчи бетда.

Пойтахтимизнинг мусиқали комедия театри (оперетта) ижодкорлари ёзги таътил мавсумини завқли ўтказмоқдалар. Дастлаб театрнинг ўзида эсда қоғларли тadbир ўтказилди. "Этик кийган мушук" спектакли намойишидан сўнг шу асарда бош ролни ўйнаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Суръат Ортиқов Ўзбекистон Миллий Олимпиада кўмитаси, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва "Ўзбекистон — Нестле" қўшма корхонасининг совғаларини томошага келган бахтли ўрин эгаларига топширди. Улар "Пекин — 2008" олимпиадаси билан боғлиқ рақамли ўринларда ўтирилганлари учун шу муқофотга сазовор бўлдилар. Кейин Олимпиадада "Тонг" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлган артистлар "Бремен созаңдалари" ва "Сехрли оху" эртақларини кўрсатдилар, спорт ҳақида сўхбатлашдилар, совғалар улашдилар.

ЁЗ ИЛҚОМЛАРИ

Театрнинг болалар билан бундай мулоқотлари маънавий баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди театр директори ўринбосари Давлат Алимов. — Оромгоҳдаги учрашувимиз болалар учун ҳам, актёрлар учун ҳам нихоятда қизиқарли кечди. Олимпиада шаҳар ҳокимияти, касбаба уюшмаси, комбинат раҳбарияти болаларнинг кўнглини дам олишлари учун шундай яхши шарт-шароитлар ярати берётганларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Томошаларимиз театр ва спорт байрамига айланган кетди.

Мақсади томошабинни кўркам фойеда, замонавий техника билан жиҳозланган залда кутиб олиш. "Театр кийим илгичдан бошланади", деган ибора, назаримда, кечаги кунники. Бугун менимча, театрлар ўзи жойлашган худуддан, бинонинг теварақ-атрофидан бошланади. Бинобарин, театрлар биносига етакловчи йўл ўтган йилги кузни эслатувчи сарғайган ўт-ўланлардан, атрофга сочилиб ётган турли чиқиндилардан холи бўлиши, томоша кўришга келаётган одамнинг кайфиятига салбий таъсир этмаслиги керак... Ўзининг юбилейини нишонлашга хозирланаётган пойтахтимизнинг барча худудларини, жумладан тadbирнинг кўнглидагидек ўтишида муҳим аҳамият касб этувчи маданият ва санъат муассасалари теварақ-атрофини кўркам қилиш ободонлаштириш хизмати муассасаларининг ва ҳаммамизнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Флора ФАХРУТДИНОВА СУРАТДА: "Сехрли оху" спектаклидан лавҳа.

— Шу билан бирга, томошаларимизнинг ахборот-маърифий томони ҳам аҳамият берамиз. Масалан, шу йил Хитойда ўтайдиган олимпиада муносабати билан шу халқ ҳақида, унинг урф-одатлари, анъаналари, спорт ўйинлари, Ўзбекистонлик олимпиада қатнашчилари ҳақида болаларга театрлашган томошалар кўрсатдик. Бу йилги ёз болалар учун Олимпиада ёзи бўлди ва театримиз жамоаси бундай катта воқеадан четда қолмаганидан хурсандимиз. Хозир юртимиз театр жамоалари дам олиш мавсумини ўтказмоқдалар. Бир ойдан сўнг янги мавсум бошланади. Тошкент оперетта театри ёш томошабинлар хизматида бўлиш билан бирга, ижодий изланишларни ҳам давом эттирмоқда. Жамоанинг

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари раҳбарлари, маданият ва спорт муассасалари, вазирлик тасарруфидаги ўқув юртлари ва спорт ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтди.

Йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярми иш якунлари, мамлакат мустақиллигининг 17 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, "Ниҳол" ва "Келажак овози" муқофотлари голибларини тақдирлаш, маросимларини тайёрлаш, Ўзбекистон спортчиларининг "Пекин — 2008" Олимпиадасида муносиб иштирокини таъминлаш юзасидан олиб борилган тайёргарлик ишларининг якуни билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тизимда ижро интизомини мустаҳкамлашга доир тавсияларининг бажарилиши кўриб чиқилди ва муҳокама этилди. Муҳокамада республика Олий спорт махорати мактабларининг фаолияти танқидий таҳлил этилди. Тегишли мутасаддиларга ёш истеъдодли кадрларни тарбиялаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этишга эътиборни янада кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди.


Ҳайъат йиғилишини Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Р.Қурбонов олиб борди.

Ушбу сонда:

- * Зақий сиймо эди
- * Тағорнинг ҳикояси
- * Каммага ҳам, кичикка ҳам...
- * Маънавий хазинада бўлганмисиз?
- * Сўғризода қачон туғилган?



ИСТИҚЛОЛ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ



Камол РАҲМОН

ВАТАН

Тупроқ тан-жон, замин виждон, эътиборим бўлса бас, Елкасига офтоб қўнган чаманзорим бўлса, бас.

Тупроқ азиз, деб ўқирган отам-онам, устозим, Жаннатидан парча берган Оллоҳ ёрим бўлса, бас.

Меҳри дарё, қалби дарё халқим бор — иймоним бор, Шу қўнча замин узра Хур диёрим бўлса, бас.

Ўзга эмас, шу диёрни асрамоқлик олий бурч,

Тупроқ учун жон тикмоқлик, йигит орим бўлса, бас.

Тупроқ асли шу ватандир, муқаддасдир, муқаддас, Ватанимни қуйламоқлик Ифтихорим бўлса, бас.

Қуйла, Камол, Ўзбекистон — Бу ватаним, иймоним, Шу ватанимнинг бир бурчидан бир мазорим бўлса, бас.

ЎМЛАДИ

Неча йил нур истадим, Неча йил гул истадим, Фалакларим гуллади.

Шеърли лавҳа

Гулзорларим бағрида чарх айлади булбуллар, Ёрилтошлар ёрилди, юракларим гуллади.

Истиқлол, жамолнинг кўролмаётган ўтганларнинг Руҳларида жаннатий чечакларим гуллади.

Аждарни енгди ботир, қирқ алпим омон қолди, Хаёлдаги орзулар — Эртақларим гуллади.

Истиқлол берди иқбол, Хумо куш келтирди бахт. Камол, шу юрт бағрида тиллақларим гуллади.

ТАЛАБА ТАҚЛИФ ЭТАДИ

Газетамизнинг шу йил 23 май сонидан Тошкент Давлат Иқтисодий университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факултети талабаси Шохрўқ Ҳасановнинг "Мўъжизалар яратишга қодир халқимиз" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Ёш тadbирчилик фикр-мулоҳазалари, аналитик тақлифлари кўпчилида жиддий қизиқиш уйғотди. Кунин кеча тахририятга келган баённомада айтилишича, ушбу мақола Қарши Давлат университетида профессор ва ўқитувчилар, талабалар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирокида муҳокама этилган. Муҳокама чоғи билдирилган айрим фикрларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бойназар Йўлдошев, университет ректори:

— Ушбу мақола ва унда ўртага ташланган тақлиф ва мулоҳазалар истиқлол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилётгани бугун қандай самара бераётгани, ортимизда мустақил фикрлайдиган, илмли, баркамол янги авлод келаётганини кўрсатиб турибди. Президентимиз ёшлар давлатимизнинг келажиги, истиқлолимизнинг мустақам таянчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Бугун, эътибор берилса, ёшлар орасидан кўплаб иқтидор эгалари етишиб чиқмоқда. Улар ўзлари учун яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, замонавий билимларни кунт билан эгалламоқдалар. Оммавий ахборот воситаларини кузатиб борсангиз, деярли ҳар кун дунёнинг қайси бир мамлакатда Ўзбекистонлик ёшлар эришган ғалабалар ҳақидаги хушxabарни ўқийсиз. Бундай фарзандлар билан фахрланасан арзийди.

Норбой Узоқов, иқтисодий факултети профессори:

— Талаба Шохрўқ Ҳасановнинг тақлифлари иқтисодийта бевосита алоқадор бўлганлиги учун ҳам, факултетимиз талабалари орасида жиддий қизиқиш уйғотди. Муаллим иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтиш жараёнини чуқур ўрганиш, бунда ёш тadbирчилик салоҳияти, илмий потенциалдан ҳам фойдаланиш, улар ўртасида тadbиркорликни ривожлантиришни тақлиф этади.

Тарихга тазар ташласан, буюк бобоклонларимиз бўлмиш олимлар айна йигитлик чоғларида кўплаб илмий кашфиётлар қилишган. Шундай экан, ёшларга бўлган эътибор асло самарасиз кетмайди. Уларга ишонинг керак.

Ботир Хайридинов, физика-математика фанлари доктори:

— Кўпчилик олийгоҳларда аввалдан давом этиб келаётган бир "анъана" бор, у ҳам бўлса, талабага талаба сифатида қаралади. Бундан "унумли" фойдаланган ёшлар курс иши, диплом иши ёзиш пайти келганда бошларини котирмай, авваллари ёзилган тайёр матнлардан фойдаланиб қўя қоладилар. Бундай ишларнинг амалиётга фойдаси бўлмайди.

Агар биз ҳар бир талабада бўлғуси муҳандис ёки малакали касб эгасини кўриб, унга ишонч билдирсан, мустақил фикрларини, гарчи улар бахтли бўлсада, баҳоласан, шундангина мақсада эришган бўламиз. Яна бир фикр шуки, назарий билимлар амалиёт малакаси билан мустаҳкамлансагина натижа беради. Факултетимизда бу борада бошланган ишларни изчил давом эттирамиз. Муҳокамада Муҳаммад Очил, Жумакул Раҳаб, Махмуд Мусуров, талабалар Нилуфар Аббосхонова, Нафосат Азизова, Турдихол Отақуллова, Уктам Рустамов ва бошқалар ҳам сўз олиб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги ўз саҳифаларида ёш муаллифларга алоҳида ўрин бераётгани; "Ёшлар овози" саҳифасида улар ихтидордан намуналар мутасил равишда эълон қилинаётганини эътироф этганлар. Йиғилишда талабаларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини доимий равишда ўрганиб бориш ва тегишли тadbирлар белгилашга қарор қилинган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги байрами муносабати билан Наманган шаҳрининг Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи маданият ва истироҳат боғида "Мустақиллик бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажгимиз гаровидир" ёшлар марafoneи ҳамда "Истиқлолимиз-истиқболимиз" наам ва наво кечаси, вилоят "Олтин мерос" хайрия жамғармасида "Мустақилликни шарофаймига" мушоираси бўлиб ўтди.

Норин туманида ўтган "Бу менинг диёрим, бу менинг юртим" концерт дастури, Тўрақўрғон тумани "Ширинлик" маданият саройида ташкил этилган шор ва ёзувчилар билан учрашув ҳам кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

М.КАРИМОВА

"ФАЛЛАБАНК": сиздан ҳаракат, биздан баракат!

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, даромад!

Яқинда Аҳмадхон Мелибоевнинг "Умр учар юлдуз" китобини ўқидим. Китоб Мирзакарим Пирматов, унинг умр йўлдоши Мукаррамхон ва ўғли Музаффархонга бағишланган. У "Бу дунёни эрта тарк этган дўст ҳақида ёзишдан ҳам мушкул иш йўқ", деган андуҳ билан бошланади.

Китобни ўқиялман кўз олдидан академик Авлиёхон Муҳаммадиев, устозларим Фулом Каримов, Субутоғ Долимов, Сиддик Фузаилов, Муҳаммадносир Саидов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қайумовлар; Раҳматилла Иноғомов, Беғали Қосимовдек ака-ука, дўст, биродар ҳамкасбларим сиймоси ҳам узоқ вақт кетмай турди.

Устозлар сиймоси жонланганда шогирдлик пайтларинини эслар экансан. Қайсидир маънода ўзининг ёш эканингни ҳис қилсан. Аммо дўстинг ҳақида ўйлаб, унинг эзгу хотирасига доир ниманидир ёзмоқчи бўлганингда улар олдида ўзингни жавобгардек, масъулдек ҳис этаркансан...

Беғали оламдан ўтганидан буюн йиллар ўтди. Узоқ Журақулов хотира ёзиб беришни сўраганида, дафватан, унинг ҳаётдан ўтганига ишонгим келмади. Негаки, матбуот саҳифаларида ҳали-ҳануз у ёзиб кетган мақолалар чоп этилиб турибди. У билан кун ора одатдагидек учрашиб тургандекимиз. Ўйлаб қарасам, Беғали билан эллик йил ҳамнафас ҳаёт кечирган эканмиз. Етмишинчи йиллар бўлса керак, Озод ака билан Сирдарёдан келишда йўл ҳодисаси юз беради. Озод ака 10-15 кун бўйин оғригидан шикоят қилиб юрдилар. Воқеани кўрганлар одамларнинг соғ қолганига хайрон қолишган. Орқа ўриндиқда ўтирган Беғали ўшанда уйқудан ҳам уйғонмаган экан. Шундан кўп ўтмай дўстларимиз дам олгани Бўжгага чакриришди. Толли ака исмли мезбонимиз суҳбатимиздан мароқланиб ўзига кўпроқ эрк бериб кўрган шекилли, Тошкентга қайтиш учун бошқа ҳайдовчи топиш фикримизни рад қилди. Аммо Янгийўлдан ўтиб Эркин Бекатиға яқинлашганимизда ухлаб қолди. Мен кескин ҳаракат қилиб ҳайдовчининг оёғи устидан турмоэни босиб, рулни ўнглаган бўлдим. Машина бетон тўсиққа тегар-тегмас тўхтади. Ҳаммамиз хавфсираб безовта бўлдик. Беғали бўлса бепарво: "Ўзи нима бўлди", — деб аранг уйқудан уйғонди...

Университетдаги кекса домлар бизнинг ёшлигимизда воқелиб ўйнаганимизни яхши билишди. Командамизда Тошмухаммад Алиевчи Саримсоқов, Аюб Фулом, Музаффар Хайруллаев, Озод Шарафиддинов каби таниқли олимлар бор эди. Кўнлардан бир кун тўп спорт залининг тошмабинлар турадиган иккинчи қаватига учиб кетди. Беғали юғуриб машқ нарвонидан у ерга кўтарилди. Тўпни бизга ташлади. Бирок қайтиб ташаётганида кўли очик электр симига тегди ва 4-5 метр бандандикдан паства учиб тушди. Эртасига касалхонага борсак, ҳеч нима бўлмагандек бизсиз қилиб қарши олди. Қаттиқдаги учта қора нуқтани кўрсатиб: "Шулар кетса, чиқар эканман", — деди. Айтмоқчиманки, дўстинг

ЗАКИЙ СЙМО ЭДИ

хавф-хатар ичида "ковурилиса ҳам" ортиқча заҳмат кўрмас эди. Аммо афсус бевақт улим уни сафимиздан олиб кетди.

Мен Беғалини биринчи марта 1958 йилнинг 23-24 август кўнлари учратганман. Университет қабул мандатиға ундан кейин кирганимда, ректор, академик Обид Соҳидов ҳозиргина ўқишга кирган Беғалининг билими, ҳайъатга берган жавобларининг пухталиғи, ўзининг содаллигини айтиб: "Ана шундай болалардан катта олим чиқади", деган эдилар. Ҳолбуки, бу пайтда Беғали ҳали ўн олти ёшга ҳам тўлмаган эди. Мен бу ўринда Беғалининг ўқишга киришини эмас, Обид аканинг эндиғина университет остонасидан ўтган абутириентинг келажагини кўра билганларини таъқидламоқчиман.

Университетнинг ўқув машғулоти, жамоа ишлари Беғали билан янада яқинроқ бўлишини тақозо этган. Утган асрнинг олтишинчи йиллари бошида талабалар ҳаёти бутунлай бошқа баир олам эди. Факултетда Фулом Каримов, Субутоғ Долимов, Аюб Фулом, Ёқуб Фулом, Сиддик Фузаилов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қайумов, Анвар Шомақсудов каби илм дарғалари фаолият кўрсатишарди. Эркин Воҳидов, Улмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Омон Мухтор, Уткир Хошимовлар эса ё талаба, ё эндиғина ўқишни битиргандан ҳафа бўларди. Аммо кўп меҳнат қилиб бу камчилиғни тезроқ бартараф қилишга уринарди.

қайсидир устоз йиллик илмий иши юзасидан талабаларга ҳисобот берган, кимдир фирка ёки комсомол соҳасида муҳокамга тушган, қайсидир ўқитувчини талабалар аудиториядан чиқариб юборган, ёки Абдулла Қаххор, Саид Аҳмад, Хусниддин Шарипов, Улмас Умарбековнинг янги асарлари муҳокамаси бўлмаган кун йўқ эди.

Факултетимиздаги халқ чолғу ансамблини айтмайсизми. Бу ансамбл бутун университетга татир эди. Хар ҳафта республика телевиденисида концерт берадик. Кўпинча Омон Мухтор ва бошқа ўз сафимиздан чиққан шоирлар-

Талабаликнинг олтин даври кўз очиб юмғунча эрта тонг шаймоликке учди-кетди. Энди устозлик, мунаққидлик, илм даражасини камолга етказиш йўлидаги машаққатли изланишлар даври бошланди. Беғали 60-70 йилларда кўл уриш осон бўлмаган ХХ аср бошлари адабиёти муаммолари билан шуғулланди. Кўл уриш осон бўлмаганининг икки тарафи бор эди. Биринчидан, бу давр бевосита жадидлик ҳаркати билан боғлиқ бўлгани боис бирор даъиллий ҳужжати кўлга киришти қийин эди. Иккинчидан, жадидлар собиқ тум зум нуктаи назаридан буржуа адабиёти вакиллари сифатида ҳам оқланмаган эдилар. Бу эса тадқиқотчиға сиёсий тўсиқлар гирдобидан ўтиш мушкулотларини тайёрлаб турарди. Ана шундай оғир вазиятда ёш олим Гаспирли, Мирмуҳсин Шермухамедов, Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби ХХ аср зиёлилари ижодини ўргангани, уларнинг асарларини халқимизга қайтариш ҳаракатиға тушди. Уларнинг ҳар бириға алоҳида-алоҳида китоблар бағишланди ва муайян давр кузатувларининг ҳулосаси улароқ "Излай-излай топангим" китобини адабиёт мухлисларига тақдим этди.

Беғалининг тантилиғи, мардлиғи шундаки, у ўзининг катта илмий ишига маълумотлар тўплаш жараёнларидан асло дўстларини ёвдидан чиқармас эди. Қозон, Уфа шаҳарлариға хизмат сафари билан борганида халқ ХХ аср бошлари мекка оғзаки ижодининг назарий масалаларига оид ўнлаб китобларнинг муаллифлари, номлари ёзилган кичик варақчаларни олиб келарди. Бироз вақт ўтганидан сўнг бу варақчаларнинг тақдири билан қизиқарди. Қайси китобларни топганим, улардаги маълумотлар ҳақида жонқуярлик билан савол-жавоб қиларди.

Докторлик диссертациясини химоя қилгандан кейинги фаолиятини ҳеч иккиланмай Беғали ижодадаги янги давр, янги босқич деб аташ мумкин. Чунки у ўзининг зиммасида аввалгидан кўра ўн чандон оғирроқ вазифа турганини ҳис қилди. Тўғрироғи, бу вазифани ўзи ўйлаб топди, ўзи режалаштирди ва қадам-бақадам ўзи амалга оширди.

Бу ўзбек адабиётининг ХХ аср бошлари даврини элга кўрсатиш, дунёға таништидек оғир ва мушкул вазифа эди. Беғалининг ҳаракати натижағида университетда Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси шаклланди. Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний,

Чўлпон, Абдулла Қодирий каби буюк адиблар ҳақида мақолалар, китоблар, ҳужжатли филмлар ишланди, Германия, Туркия каби мамлакатлар билан адабий ҳамкорлик кучайди. Бу ишларни амалга оширишда ҳам у бизни тинч қўймади. Бир қарасанг "Алломиш" дostonи ҳақида, бир қарасанг Фозил Йўлдош, Ёргаш Жуманбулбул ижоди ҳақида мақолалар сўрарди. Бу мақолаларнинг хорижда эълон қилингани билан табриқлаб қўйишни унутмас эди.

Беғали ҳақидаги хотираларимни ёзар эканман, дўстининг волидаи муҳтарамам — Азиза онамға бўлган хурмати ва муҳаббатини тилга олмаганим мумкин эмас. Айтишим лозимки, менинг онам жуда кўп ҳамкасбларим ва дўстларим волидаларидан узоқроқ умр кўрган эдилар. Шунинг учун ҳам Озод ака, Беғали (руҳлари шод бўлсин); бугунги кунда умргузаронлик қилаётган Абдуғафур Расулов, Ермат Тожиев ва яна кўп биродарлар у кишини ўз оналаридек севар, хурмат қилар эдилар. Бу муносабатни мен улғу бахт деб биламан. Беғали онамди мураббийлик, зиёилилик, фарзанди дўстларига меҳрини, маслаҳатини аямаслик фазилатларини жуда маъқул кўрар эди. Айниқса, уни кўпинча онам ҳузурларидан чиққанда чўқур хўрсиниб, бироз кўз ёши билан кўрар эдим. Бирға йўлимизни давом эттирар эканмиз: "Омониллаҳон, зал нури оналғиз бор-да", деб кўяр эди. Дўстинг фотиҳа қулар, хотира маросимларида ҳамини эътиборга олган эдим. Бундай пайтларда у кўзимға қараб турарди. Эътиёмимни, хоҳишимни топишга уринар эди.

Мен бу гапларни, кўриб қўйинг, мен қандай ажойиб одамнинг дўсти бўлганман, дейиш ниятида айтаётганим йўқ. Бу гапларни шогирдларим ушбу хотирани ўқиганларида, дўст қандай бўлиши керак, оғир кунда дўстини дўст ёнида бўлиши нечоғлик мумкин ва зарур эканини истаб ёзган эдим.

Беғали яхши олим, устоз, дўст, инсон эди. Наҳотки шунча фазилатлар бир инсонға қамлик қилса. Йўқ, асло кам эмас! У закий бир сиймо эди. Кўпчилигимиз буни у давраларимизда ўз меҳрини, саховатини, қалбидаги буюк гўзаллиқни дўст-ёрларига билан баҳам кўриб юрганида эмас, маъна энди эътироф этмоқдамиз. У ҳаётлик чоғида буни унга айтиш кам бўлмади. Негаки, уни бу қадар тез йўқотиб қўйишимиз ҳеч кимнинг ҳаёлиға келмаган эди. У чоғлар бир-биримизға меҳримизни намойиш этишга улғурмас деб ўйлар эканмиз. Бироқ тақдирнинг ҳукми ўзгача бўлди. Энди унинг "Бемаҳал учган юлдуз" эканини рўй-рост айтишимизна кўнглиға таскин беради.

Омонулла МАДАЕВ

Ибройим ЮСУПОВ

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудолликка учради. Шу йил 24 июл кунини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, атоқли адиби ва таржимон Ибройим Юсупов оғир хасталиқдан сўнг 79 ёшида вафот этди.



Ибройим Юсупов 1929 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида туғилди. 1949 йилда Қорақалпоқ давлат педагогика институтини битиргач, меҳнат фаолиятини шу институтда ўқитувчиликдан бошлади. Шоир сермазун ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. 1961—1988 йилларда "Амударё" журналистика бўлимида, айниқса, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси марказий газетасининг бош муҳаррири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Кейинчалик эса Қорақалпоғистон Тинчликни химоя қилиш қўмитаси раиси, Маънавият ва маърифат марказининг раҳбари сифатида фаолият кўрсатди.

У қаерда ишлагани, ўзининг ташкилотчилиғи, билими ва тажрибаси билан эл-юрт хурмат-эътиборини қозонди. Ибройим Юсупов 60 йилдан ортиқ фаол ижод қилди. Унинг дастлабки шеърлари 1946 йилда республика марказий нашрларида чоп этилди ва халқона оҳанги, ўзига хос услуби билан жамоатчилик назарига тушди. Шундан сўнг "Бахт лирикаси", "Шарқнинг йўлчисига", "Уйлар", "Етти довон", "Даштдаги момақалди-роқ", "Кўнгли кўнглидан сув ичар", "Илҳом" сингари қатор шеърый тўплам ва достонлари чоп этилди. Унинг кўплаб асарлари ўзбек, рус, украин, қозоқ ва бошқа тилларга таржима қилиниб, адабиёт мухлислари орасида кенг шухрат қозонди.

Атоқли адиб бадий таржима соҳасида ҳам самарали

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЕВ, М.ЕРНИЯЗОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Т.ҚАЙИПБЕРГЕНОВ

АБАДИЯТ ШОИРИ

Халқимиз, туркийзабон миллатлар, балки дунё адабиёти ўзининг Ибройим Юсуповке азамат бир шоирдан жудо бўлди. Қорақалпоқ халқи буюк фарзандлари Бердак, Ажинийёз бобо абадиётимиз томон яна бир улғу фарзандини кўзда ёш билан, айни чоғда рози-ризозлик, миннатдорлик билан қузаздик.

XX аср жаҳон шеъриятида, XXI асрга хатлаган қадим сайёраимиз адабиётини Ибройим Юсуповнинг ўз ўрни, сўнмас овози мавжуддир. Бу фасоҳатли шоир билан узоқ йиллар мобайнида шеърый бўстонларида, унинг машаққатли сўкмоқларида бирға бўлди. Утган юз йиллик адабиётининг Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Давид Куғултинов, Қайсин Қулиев, яқиндагина дунёни тарк этган Чингиз Айтиматовдек сиймолари қаторида, шубҳасиз, Ибройим Юсупов ҳам турар эди. Ибройим оға шеърый байроғини ҳеч қачон қўлдан бермади. Оғамиз барчаға бирдай самийий, меҳрибон дўст, садоқатли замондош эдилар.

Ибройим Юсупов ўзбек халқининг ҳам севимли шо-

ири бўлиб қолди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов қорақалпоқ халқи, унинг адабиёти, улғу фарзандлари ҳақида гапирганда, бизни қўриб қўлиб Ибройим Юсуповни тилға оладилар. Ибройим Юсупов наинки қорақалпоқ адабиёти, балки ўзбек адабиёти, туркий тиллик адабиётларда ҳам устоз шоир мақомида қолажак.

Биз Ибройим Юсуповни ҳали кўп соғинамиз! Чунки бундай истеъод соҳиблари ҳар доим ҳам туғилавермайди. Авлодлар бу улғу инсоннинг шеърыйтидангина эмас, инсоний фазилатларидан ҳам намуна ва ибрат олиб ўшайдилар. Қорақалпоқ адабиётини янги истеъодлар пайдо бўлишиға шубҳа йўқ, лекин Ибройим Юсуповни ҳеч ким ҳеч қачон такрорлай олмайди.

Кимдир: — Қайта насиб этса гар дунё, Бундоқ яшарми, — деб паёвдат этди. Кимгадир бу армон керакдир, аммо Ибройим Юсупов бир келиб кетди!

Абдулла ОРИПОВ



Машқни тугатган болалар гурур билан шундай дейишди: "Ун йилдан сўнг биз ҳам Олимпиадаға борамиз. Ахир, дастлабки синим — виторинадан муваффақиятли ўтдик-ку. Ҳозирча эса Пекин Олимпиадасида катнашадиган спортчиларимизға зафар ёр бўлишини тилаймиз".

Ф.ГУМАРОВА
Суратда: "Олим сари йўл" виторинаси совриндорлари — 29-мактаб ўқувчилари.

ЭЛ ИЧИДА БИЛАН

Шоир ўзгучилар, публицистлару телевидение-радио ходимлари, кўйингки, ижод алоҳи орасида Юлқун Шоюсуповни танимаган-билмаган одам кам. У таниқли адиб ҳам, адабиёт-



шифокор деган ном қозонди. 1981 йилдан ўзгучилар поликлиникасида бош шифокор бўлиб ишлаб келаётган бу инсон одамийлиқни, одамшывандалиқни эъзозлаб келади. Хар бир сўзни дони-гулиға келтириб сўзловчи ижодкор аҳлиға уллардан ўткизиб сўз топиб, кўнглини олиш мушкул иш, албатта.

Аммо Юлқун ака улларнинг ҳам дардига, ҳам кўнглиға малҳам бўлишни ундайди. Ҳамкасблари, дўст-ёрлари уни ҳаётда камтар, ишда талабчан дея таърифлашади.

Ўзгучилар уюшмаси аъзолари ва Миллий телерадиокомпания ходимлариға беиминнат хизмат кўрсатиб келаётган поликлиника ўзининг сифатли хизмати, самарали муолажаси ва ширин сўзли ходимлари билан тилға тушган. Унинг раҳбари эса ўз жамоасини ана шу масъулиятни ҳамини ҳис қилиб ишлашға ундаб келмоқда.

Таърибали шифокорнинг меҳнатлари муносиб баҳолалиб, у 2000 йилда "Шухрат" медали, 2006 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигиға 15 йил" кўкрак нишонини билан тақдирланган. Юлқун ака ўзи кўлга киритган хар бир ютуғини жамоанингу муваффақияти, кўл остидаги ходимларининг меҳнати самараси, деб ҳисоблайди.

Юлқун Шоюсупов кўтлуг ёши арафасида ҳам айни кунға тўлиб меҳнат қилмоқда. Унинг машаққатли меҳнатига ривож, ижодкорларнинг дардиға дармон бўлишдан асло чарчамаслиғини тилаб қоламиз.

Халқ бахшлари ажодларимизнинг асрий орзу-ниятларини қўшиқ-термаларида кўйлаб, авлоддан авлодға олиб ўтувчи, воқеа-ҳодисаларға ижодий ёндашиб, сайқал бериб, яна халқнинг ўзига қайтарувчи зотлардир.

Бахшичилик санъати ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта, Ёргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислам Назар ўғли, Умир Сафар ўғли, Пулкан Шоирлар қаторида Холиёр бахши Абдукарим ўғлининг ҳам номи тилға олинади.

Болалиғи Бойсўн қирларидан ўтган Холиёр бахши Абдукарим ўғли бошқа бахшилар каби ўзбек дostonчилиғига салморқи улуш қўшган бахшилар сирасиға қиради. Холиёр бахши ҳақида халқ орасида ҳамон турли хайратомуз гап-сўзлар юради. Бахши терма-doston куйлаганда туйға келган кизу жувон ўтов ўйининг устиға ёлган кигиз ёпинчликларни илма-тешик қилишаркан. Азбаройи, бахши ичкарида дўмбрасини сайратиб, терма-dostonини куйлаётган чоғ уни кўриш, терма-dostonини эшитишға иштиёқмандлар иши бу — албатта.

1929 йил ўрталарида атоқли фольклоршунос Ходи Зариф Сурхондариға келиб, аввал Шеробод dostonчилик мактаби вакиллари билан учрашди. Сўнг атоқли олим Холиёр бахши Абдукарим ўғлини қидириб топади. Унинг ёрқин истеъоди ҳақида эшитган Ходи Зариф Холиёр бахшидан doston ёзиб олмақчи бўлади. Бахши ўз қаламиға мансуб "Амир қочди" dostonини фольклоршунос олимға куйлаб туриб ёздирди.

Бу doston 1965 йили "Дастагул" dostonлар тўпламида, кейин алоҳида китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

Холиёр бахши Абдукарим ўғли умри ва ижодини айни гуллаган даврида Сурхондариё музофотида бошланган истиқлолчилар ҳаракатиға кўнгиллардан бўлиб қўшилди. Бу ҳаракатта ўша пайтда Эшнўз Амин Юнусов бошчилиқ қиларди. Уша кезларда халқ учун, юрт учун кураш олиб борган бундай довурак, мард йигитларға таъки-лаънат тошлари отилмасдан қолмасди. Унга ҳам "халқ душмани" деган тағма босилди. 1938 йил бошида собиқ НКВД ходимлари бир кечада қўлиға кишан уриб, олиб кетишди.

ЖАЖЖИ ФОЛИБЛАР

Ёғи таътилни пойтхтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 29-мактаб ўқувчилари спорт билан мустаҳкам ҳамкорликда ўтказмоқдалар. Такваиндо бўйича қора камар соҳибни Нигора Ҳамдамова болалар билан янги машқ устида иш олиб борар экан, мактаб директори Зульфия Ёргашева ва директор ўринбосари Наима Обидова билан суҳбатлашиб, кўп нарсалардан хабардор бўлдик.

Мазкур мактаб араб тили ўқитишға ихтисослашганиға қарамай, "Олимп сари йўл" танловига қатнашиш жараёнида жий-той-ўзбек халқлари ўртасидаги муносабат-

ларға тааллуқли масалаларни ўрганашлари фақат болалар учун эмас, улларнинг устозлари учун ҳам билимдонлик синовалари бўлди. Саволлар ниҳоятда қизиқарли бўлиб, баъзиларига ҳатто тарих ўқитувчилари ҳам жавоб тополмай қолдилар. Интернет билан яқиндан, ошна бўлган ўқувчилар бу борада устозларидан илдамроқ ҳаракат қилдилар.

"Натижа маълум. Мактаб ўқувчилари танлов совриндорларидан бири сифатида эътироф этилиб, қимматбаҳо совға билан тақдирландилар.

Навбатда эса Тошкентнинг 2200 йилли-

ғи туриди. Агар газеталарда шу қулғу сана муносабати билан танлов ёки виторина ўтказилса, педагог ва ўқувчилар учун анча фойдали бўлади, — дейди Н.Обидова. — Айниқса, биз тошкентликлар ўз шаҳримиз ҳақида кўп нарсаларни биллиб олардик. Масалан, бизнинг мактабимиз жойлашган маҳалла Хислат номи билан юртилади. Уйлаёмани, фарзандларимиз бу одам ҳақида у қадар тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Бунға ўхшаш саволлар минглаб топилиши мумкин".

Машқни тугатган болалар гурур билан шундай дейишди: "Ун йилдан сўнг биз ҳам Олимпиадаға борамиз. Ахир, дастлабки синим — виторинадан муваффақиятли ўтдик-ку. Ҳозирча эса Пекин Олимпиадасида катнашадиган спортчиларимизға зафар ёр бўлишини тилаймиз".

Илхом КАРОМ

Нафасингда райхонлар бўйи



Ичинги кўринмас гусса кемтар,
Ойдайд баққанинг, тўлганинг ёлгон.

Кеча қошинга синган гуёҳ эдим,
Гоҳо кўнглим тошдек, гоҳо юмшоқ эдим.
Мен сени чиндан ҳам қаттиқ соғиндим,
Сизни кўрим йўқ, деб турганинг ёлгон.

Ёлгон бағринга ўт қалаб яшайсан,
Кечаги ёдингни талаб яшайсан,
Тоқай ўз-ўзини алдаб яшайсан,
Ўзганинг дардида сўлганинг ёлгон.

Яна учрашамиз, балки сўнги бор —
Тирноғининг ушғача сезги бор.
Рад этилган севида ҳам севи бор,
Севиғисиз гулханинг, гулганинг ёлгон!

РАЙҲОН

Райхон, Райхон, нафасингда райхонинг бор,
Сени кўрдим, яна қандайд армоним бор.
Севиб қолдим бармоғингдаги холингни.
Бармоғингда уйинчоқ билдим холингни.
Висолинг, деб қўйингда куйган куйларим,
Бўйинг бўйи таралган атир бўйларин.
Турфа хил гулча уздим гулузориндан,
Қараб кўнглим узоқмад дийдориндан.
Бир қарасам, кўнглим бўлар бузилгандай,
Бир қарасам, жонимдан жон узлагандай.
Райхон, Райхон, нафасингда райхонинг бор,
Мени кўрдинг, яна қандайд армонинг бор?
Негадир ўзимдан кўнглим севиб қолди,
Нима қилсам экан, сени севиб қолдим?..

Кўлиб боқдинг, кўнглим ўсди гўдакдай,
Яна яшилди янги куртакдай.
Наҳотки, мени кутгансан эртақдай,
Наҳотки?.. Узимга шонганим йўқ.

Қароғингда қуёш акси қуёшим,
Юзингдан юлдузлар тўкилгайи шошиб.

Ногоҳим гуллади, хушнаво керак,
Лаб ошинг, менга хўлама ҳаво керак.
Дийдорингиз кўнглимдаги кўнглимда,
Рухсорингиз кўнглимдаги кўнглимда.
Орада не бор, асли орамиз йўқ,
Бечоралиқдан ўза чорамиз йўқ.
Бизнинг ўртамизда кимлар ўртанди,
Ришталар ўртанди, сымлар ўртанди.
Кўнглим ҳар туйғуни кўза иллади,
Баҳорнинг кеп-кетганин ҳам билмади.
Яхшиямки, сиз борсиз борилгимда,
Исмингиз ичимдаги ёлғимда.
Энди фақат кўнглимга қул бўламиз,
Бир бор лаблар туташса, қул бўламиз...

ЁЛҒОН

Нимадир бошқача, олдингайд, сал...
Барибир ўзинга келганинг ёлгон.
Гарчи кўригансан масруру хушқола,
Ширин жилмайганинг, кулганинг ёлгон.

Ким омад қўлдан шарбат симира,
Кимлар зардан, кимлар бахтдан семира,

Ҳиндистон бизнинг руҳимиз, қалбимизга
«кириб келиши» буюрди тужор йитининг
ҳинд қизини севиб қолиши ҳақидаги
ривоятдан бошланганим? Ёки ҳазрат
Навоийнинг:

Гарчи Ҳиндистонда қор ўлмас.
Вале, оқ раҳитини
Ёйди Ҳиндистон киби бу тунда
номақдул қил... —

деган сатрларидан бошланганим? Балки,
буюк Бобурнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш
ва меҳрдан бошланганми?

Ёшлик, талабалик йилларимиз ҳинд ки-
носи жуда машҳур эди. Айниқса, «Дайди»,
«Жаноб 420» фильмлари. Радж Капур Тош-
кентга келган эди, таъбир жоиз бўлса
«лўли табори» сингари қавмдошлари уни
қуршаган, яна маҳаллий ёш-яланг, бола-
бақра эргашиб, кўчада «бир карвон»
бўлиб борар эди.

Уша, талабалик йиллари биз, филолог
ва журналистлар билан Шарқ факултети
талабалари Хадрада ёнма-ён ўқиб, ётоқ-
хонада ҳам «кўшни» эдик. Эсимда, ҳинд
бўлимиде ўқиган Дадахон Нурий «икки

Биз Ҳиндистонлик машҳур адиблардан
Прем Чанд, Яшпал, Кришан Чандр, Хўжа
Аҳмад Аббос ва бошқаларнинг асарлари
билан таниш, уларнинг ижодидан энг са-
ралари ўзбек тилига таржима қилиниб,
китоб ҳолида босилган, аммо уларнинг-да
устози бўлган Рабиндранат Тагорга алоҳи-
да қизиқиш билан қарар эдик... Шу босис,
хамон Ҳиндистон, деганда энг аввал Тагор-
нинг нузли сиймоси кўз олдимизда гавда-

Узоқ бир жойда, тинмай
Тўлиб нола қилар най.
Аммо уни чалар ким? —
Буни мен билман
Ва билар — қалбим...

ушан иккови бир қориндан талаш-
иш тушган эмас. Улар на ота, на
она томонидан чатишган — етти
ёш бегона эдилар. Аслида «тутин-
ган ака-ука» дейиш тўғрироқ.
Аммо меҳр-оқибатга келганда
ҳақиқий ака-укадан нимаси кам?
Катта овсин Бражсундарийга худ-
ди шу нарса ёқмасди. Ахир эр-
жонивор ўз хотинидан кўра ке-
лониғи кўпроқ ён босиб турган-
дан кейин нима қилиш керак?!
Карағ, Шашибхушан ўйга бирон
буом олиб келса, хотинига эмас,
албатта келинига илинади. Бу ҳам
етмагандай, кўпчилик ўз хотини-
нинг гаплари бир тийин бўлиб
қолаверди-да, Радхамукунднинг
маслаҳатлари масалани ҳал қил-
ди. Шашибхушан кенг фўели,
ўта очиққўл эканлиги
учун рўзгорга оид
ҳамма вазифалар Рад-
хамукунднинг зиммасига
тушганди. Буни катта
овсин бошқача тушу-
нарди: Радхамукунд
акасига зимдан чоҳ
қазияпти, деган гумонга борар-
ди. Аммо буни тасдиқлайдиган би-
рон далил топилмагани сари қай-
нисига гарази баттар ошарди. Шу-
бахалар зарбига дош беролмай,
оғзидан захарли сўзлар ўқтин-
ўқтин отилиб чиқшининг боиси
ҳам шунда эди...

Рабиндранат ТАГОР

Шу кун Радхамукунд амаллаб
тонг оттирди-да, гамгин қўёфада
Шашибхушаннинг қошига борди.
Ақаси ҳайрон бўлиб сўради:
— Раҳе, нега кайфиятинг паст,
тобинг қочмадим, мабодо?
Радхамукунд ётиги билан ту-
шунтиришга ҳаракат қилди:
— Ака, энди бизнинг бу ерда
туршишимиз қийин бўлиб қолди...
У гап орасида янагининг кеча
кечкуринг қилиқларини кистири-
б ўтди.
Шашибхушан кулиб юборди:
— Бор-йўқ гап шунми? Э, суф-
э, сенига! Хотинларнинг кимлиги-
ни билмасанми ҳали? Сен билган
биз қаёқда-ю улар қаёқда? Оғзи-
га келганини гапираредими-да.
Шунгайм кўн-кўронингни кўтариб
қочмоқчимсан? Бунақа гаплардан
мени беخابар деб ўйлаёсанми?
Нима, шунга ховли-жойимни таш-
лаб чиқиб кетайми?
Радхамукунд жоним қўёфада
жавоб қайтарди:
— Хотинларнинг гапини кўта-
ролмасан, эркак бўлиб дунёга
келганимнинг маъносини нима,
ака? Фақат сизнинг ширин тур-
мушингизга аччиқ оралмасан,
дейман-да...

ланади. Тагор, деганда эса яна бир ну-
роний инсон — домла Тўхтасин Жалоловни э-
слиймиз. Тўхтасин ака буюк хинд адабнинг
асарларини кунт ва меҳр билан таржима
қилган эди... Дадахон Нурий йил мақола-
сида ёзган экан: «Рабиндранат Тагор ақл
бовар қилмас кўпқиррали истеъод эгаси...»

Жаҳон ҳикоялари хазинаси

Уни Ҳиндистонда авлиё деб билишди.
Адиб инсониятга элик жилдан иборат
шеърлар тўплами, ўнлаб роман ва қисса-
лар, юзлаб ҳикоя ва мақолалар, икки
мингдан зиёд ўқишлар ва уларга ўзи
басталаган кўйлар, уч мингдан зиёд турли
жанрларда чизилган суратлар галереяси-
ни мерос қолдирди...
Ана-мана, Нобел мукофоти лауреати,
улуг адиб Рабиндранат Тагор таваллуд
тулган кунга 150 йил, вафот этган кунга
70 йил тўлаётди. Бироқ инсоният тафак-
кури осмонига унинг номи юлдуздек по-
лаб туравереди...
Омон МУХТОР



— Ҳаммасига
мен айбдорман,
— деди қутлимгада
Радхамукунд.
— Нега энди, сен
пулни ўз қўлинг билан юборган-
сан, йўлда ўғрилар хужум қилган
бўлиши мумкин, — уни юпати-
ди ақаси. Аслида ҳам айборни қиди-
риб ўтиришдан фойда йўқ, бун-
дан буёғига тирикчилик гамини
ўйлаш лозим эди. Шашибхушан-
да на маълумот, на тайинли ҳунар
борки, қайсидир ишининг бошини
тутса. У тубусиз жарликка қўлаб ке-
таётгандек ҳис этарди ўзини.
Миясига келган бирдан-бир
тадбир — хотинининг зар-зева-
ларини гаровга қўйиб бўлиди. Шу
аснода Радхамукунд унинг олди-

бўлди-қолди. Чамаси, Радхаму-
кунд хотинини дарҳол отасиники-
га жўнатиб юбормоқчи бўлган.
Буни англаб юлган Бражсундар-
ий қайнисини алдаб-сўлдаб, кат-
та кийинчиликлар билан эр-хо-
тинини яраштириб қўйди. Шундан
кейин ҳам кўнгли тинчмайди:
— Келин бу дароғҳа қинда
кеккан, сиз билан бизларнинг э-
тиртинқайлигимизни у бечора
қайқдан билсин? Энди, бир
ёшлиғига борди-борди-да, қиз-
гина. Шу гал ке-
чира қолин! —
деди қайнисига
ялиниб.
Радхамукунд
рўзгор ҳаражат-
лари учун пулни
хаммиса келинига
қўйди.
— Хўш, сен нима дейсан?
— Албатта эрийсиз! Шундай
кувончли дамада хушчаққоқлик
қилмай бўладими? — деди.
Қишлоқ аҳли қачонлардан
бери тузукроқ зифатга ҳам, тўйга
ҳам ёлғимлар келарди. Зифатда
каттаю кичик жамулжам бўлди.
Камбағалнинг бир тўйгани — чала
бойгани қабилида йўл тутганлар
уй-уйларига тарқалишди. Бунинг
устига, шу воқеадан кейин тўрт
кун босим кўш ҳайдалиб, емак-
иммақнинг ҳам тайин бўлмади.
Оқибатда оғир меҳнат Шашибху-
шанни зўриқтириб қўйди. У
кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди.
Бемор алаҳсира, дам-бадам
иситмаси кўтарилиб, безгак тутар-
ди. Табиб чақирдилар.
— Каттиқ дардга йўлиқибди, —
деди у бош чайқаб.
Ярим тундан оққанда хонада
ака ва ука ёлғиз қолдилар.
Радхамукунд негадир сукат
қилиб бўлса ҳам албатта олиб
бераман, бунга ақин қолди, —
деди у бош чайқаб.
Дарҳақиқат, кўп ўтмай, Шашиб-
хушаннинг мулкнини кимсодини
самандорликда ўқувсиз эканлигини
заминдорликда ўқувсиз эканлигини
маълум бўлди. У мулкдан фойда
кўриш уқда турсин, толган-тут-
ганини ҳам йўқота бошлади. Охи-

Ойгул УБАЙДУЛЛА ҚИЗИ

БАХТ ПИЛАБ ЎПРУВЧИ ОНМАН



«Сиз гўзалсиз, жуда ҳам дилбар»,
Мақтов сўздан ҳайрон бўламан.
Кетатуриб куз фаслида, ёр,
Нимандир англаб қоламан.

Дил розингиз чиқиб келди
Иссиқ сўзингиз қаватларидан.
Соғингизнинг териб оламан
Кенг кўнгулнигиз уватларидан.

Ажаблар, ҳисларим толгин,
Мўъжизага айланар олам.
Армонимга тушади ёнги,
Кузак тўшар тиллоранг гилам.

Тунди қалблар ишқ тузоғига,
Хушнуд бўлдиқ иккимиз бирдек.
Юракларда қувнар ҳаяжон,
Дилларимиз порлади нурадек.

Шивирлайман қулғингизга
Ўйингизнинг эртасида.
Сарҳўш кечган лаҳзалар, қулар
Ўзайтирар этакларини.

ИСМИНГИЗНИ...

Дилгинида чайқалади соғинч номи жом
Лим-лим эрур гулобида — озор, азоби,
Йўларингизга ингирон боққан кўзимнинг,
Ичимга қўйилади ёшлари, оби.

Паришонҳол кезинаман боғимда масъум,
Ҳисларимни ўйнамоққа қасд қилар шамол.
Завқу шавқим, қувонч қайла,
қайда табассум,
Имконларим, умидларим — нураган давол.

Қор кўрпага бурканишган борлиқ, теварак,
Кўйлақларин алмаштирган дарахтлар ҳатто.
Дарднинг олмақ истар чинор, гол, терак,
Менинг эса ичим ёнар, кетдимми хато?

Сизис кечган лаҳзам қаро, қуларим қаро,
Оқиб истар, кўнгул бешак, сиздан умидвор.
Фироғ тийғи парронидан бағрим-а яро,
Чорлайверар мудом озор — саланглаган дор.

Қуз сурати — суратингиз дилимда мудом,
Тоза нигоҳ қўларингиз сўзлар Ойгулга.
Минг йил аввал учрашганим, хув ўша қўлда,
Исмингизни ёзган эдим ўйиб қўнгулга.

Қалбим даласида гуллайд азоб,
Кўзёши селидан ҳул бўлди замин.
Озоринг жонимни эзгилар шитоб,
Фироғ-а бардошга бўлади зомин.

Ҳолимни англамоғқа бўлган сўзларим,
Титрайди, уншар қўнчалар мисол.
Сизга етолмаган оҳим, зорларим,
Лаҳзалар пойида бўлишар увол.

Умиддан имдоллар кутаман ёниб,
Нурлар дилмингиз қирин, адири.
Сабрим-да сабридан кетади тониб,
Бирим билинади сўзингиз қадри.

Ўқиб оғаверар ҳар кун қалбга,
Бағримнинг қўши — қатлам-қатлам дард.

Ўзгалар қошида кирмайди тилга,
Сотилмас ҳечгина туйғум — забарқад.

Бормайман дейману, бораман яна,
Чорлайди бағрига мени шихонанг.
Баланд бино томи кўринар, ана,
Нетайин ўртандим, аҳволим-да танг.

Излайди қўларим жовдлариб сени,
Соғинди дийдоринг, кўрмоқ истайди.
Маломат қилмагин, нетайин, мени
Соғинган салвой дилим қистайди.

Кириб чиқшадик эшикдан кимлар,
Воларинг, кутсамда кўримас бўйинг.
Чақириб беришмас шу совуқ сымлар,
Ҳасратли дилимни банд этар ўйинг.

Мунгайиб қайтаман ортымга яна,
Яна дилгинида изтироб, алам.
Жонини танимдан сириб олгудек,
Қуюн мисол ўрлар «ух»ларим, нолам.

Кўнгул сирларимдан оғоҳ қилмоқ-чун
Йиллар бўйи шу ҳол бўлади тақдор.
Алам кўз ёшига қўрсатар қучин,
Қалбим соғинч азоби-ла қилинган шудор.

АЙРИЛИҚ ФАСЛИ

Ойлар ҳам ўтдилар бир-бирин қўлаб,
Мўзийга сингиди йиллар ҳам ҳатто.
Биргина хот-хабар бўлмади сиздан,
Тақдир биттигига битилди хато.

Синикди, синикқан қалбим безовта,
Лаҳзалар ичирар азобдан оғу.
Жонинга тўр санчди айрилиқ хушқола,
Ҳануз қиймайди жонини қайғу.

Ҳануз келолмайман ўзимга, ёраб,
Ҳануз ичиради армон зардобин.
Дилимнинг тўрида қўйлади байтлар,
Ўқиб тутатмади ниқининг китоби.

Ҳажрдек узунлар умр дегани,
Хотирот уйда титраган жонман.
Фироқ найзасига қаллаган кўнгул,
Сизга бахтлар тилаб ўттуви оянман.

Аҳволимни маҳрама қиларверар тун,
Қундузлар сарҳўшман хотир майилдан.
Истамаганим, ёр, нетайин ахир,
Вужудим қорилган соғинч лойилдан.

— Ака, бу гапларни айтишга
тилим ҳам бормаяпти. Мен ўзим-
дан ўтганини ўзим билман. Агар
дунёда мени тушунадиган бирон
зот топилгудек бўлса, у — сиз.
Болаларимиздан икковимизнинг
уй-фикримиз ҳам, орзу-умидларимиз
ҳам бир хил эди, фақат афти-
миз фарқ қиларди, холос. Яна бир
фарқ шуки, сиз бой, мени бўлсам
камбағал эдим. Қарасам, шу вақ-
дан сиз билан менинг орам бузи-
ладиган. Охири баҳайр бўлсин
деб, шу фарқни йўқотишга жазм
қилдим. Ака, ер солиқига берган
пулларингизни меннинг ўзим ўй-
лаб, мулкнингизни атайин мусо-
дара қилдирганим...

Шашибхушаннинг юзида ўзга-
риш бўлмади: қайрат ё таажуб-
дан ном-нишон ҳам йўқ эди. У
синик жилмайиб қўйди ва мулоий
оҳангда хирлаганга деди:
— Ука, нима қилган бўлсан,
тўғри қилгансан. Уша ўйлаган
ниятинг рўбга чиқди-ку! Кейин
бери бир мени қанотинг остига
олдинг-ку!..

У сал тин олган, яна синик жил-
майди, икки томчи ёш юзларини
оша думалаб кетди.
— Кеңиринг мени, ака, кеңи-
ринг! — деди Радхамукунд ақаси-
нинг обқўрига бош уриб.
Шашибхушан «бери кел» де-
гандай ишора қилди-да, уқаси-
нинг қўлидан тўтиб деди:
— Мен сенига айтсам, ҳамма гап-
дан баҳарим бор эди. Сен билан
тил бириктирган одам келиб, мен-
га бу сирни ошқор қилганиди.
Ушандак сени кеңирганим.

Радхамукунд хижолатдан
чўғдай ётган юзини икала қўли
билан ўсиб йилғай бошлади. Сал
ўтач ўзини қўлга олиб деди:
— Акажон, агар кеңирган
бўлсангиз, мулкнингиз ҳам ўзин-
гиз эгаллик қилинг. Бир оғиз га-
пингиз, йўқ деманг, ака...

Аммо Шашибхушан тилдан
қолган эди. У Радхамукунднинг
юзига тикилиб қараганча, ўнг
қўлини хорин кўтариб туширди.
Бу билан нима демокчи — билиш
қийин эди. Шуниси ҳам борки, ака
ишорасини ука тушунган бўлса
ахтимол.

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

— Акажон, мендан жуда катта
гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга ай-
таман. Айтмасам, юрагимда бир
умр армон бўлиб қолди...
Шашибхушан индамади. Рад-
хамукунд ора-чора чуқур ҳўрси-
ни давом этди:

Ҳинд тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛОХ
таржимаси

Бошланиши биринчи бетда.

Учинчидан, ҳозирги босқич шеърий тафаккур ривожининг характерли хусусиятларида яна бири — бу тарихий-маданий меросга муносабатда, маънавий-интеллектуал кадрларнинг қайта эстетик баҳолашга интилишида эҳтирош бўлмоқда. Олис мезонли вақтларда, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдирини бадиий-фалсафий тадқиқ этишда, муқаддас Куръони карим ҳамда муборақ ҳадисларга мурожаат орқали диний-ахлоқий гоёлар талқинида янги ижодий тафаккур белгиларини кўрамоқда. Ушбу ҳодиса поэтик сўзининг кадрини янада ошириди, маънавий-интеллектуал маданиятини юксалтиришида муҳим омилидан бирига айланди. Хусусан, Абдулла Ориповнинг "Ҳаж дафтари"дан кейинги "Ҳикмат садолари" туркуми, Шукур Курбон, Аскар Маҳаммаднинг шеърий ҳадислари мустақиллик мафқурасининг маънавий асосларини, жамяят ахлоқини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, аънавий жанрлардан ташқари, яна мавзуларга кўра таснифланувчи ихтимойий-сиёсий, пейзаж, иш-муҳаббат лирикка ёшналарида, сонет, иккилик-фед, учлик-ҳокку, танка, октава, бешлик, олтилик, саккизлик сингари поэтик жанр ва шаклларида ҳам эътиборли изланишлар олиб боришмоқда. Бу борада Фахридиннинг "Сўйги не дегани кўнги олдида..." Баҳром Рузи-

ёнда хилма хил услубий изланишлар кеч-қатнаганлигидан далолат беради. Куръоний, "адабий жараён" тушунчаси миллий адабиётнинг қардош халқлар адабиётлари ва жаҳон бадиияти билан алоқасини ҳам қамраб олаётир. Зеро, ҳар қандай адабиёт дунё халқлари маънавий маданиятларининг ютуғидан баҳраманд бўлмасдан тараққий этолмайди. Айни вақтда, ҳар бир халқнинг адабиёти ўзига хослиги билан жаҳон адабиёти ривожига ҳисса қўша олади. Шу маънода, адабиётнинг миллий ўзига хослиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Миллий ўзига хос асарлардаги характерларда, воқеа-сюжет шаклларида ва конфликт манбаларидагина эмас, аввало, умуминсоний даражадаги ҳақиқатларда, умумбашарий фикр-ғоялар, орзу-армонлари ифодалаш йўллари, усулларида, образли тафаккурда, тилда тажассум топади. Миллий ўзига хос асарига жаҳон адабиётини бойлати.

Истиқлол даври насрининг муҳим фазилатларидан бири — бу ширин ёлғондан узоқлашиш, ҳаётнинг аниқ, жамятнинг реал муаммолари хусусида муҳокама-мушоҳада юртишда кўрилади. Адабиётимиз бугун ўз ривожини унинг янги манбалар излаётгани, топаётгани. Адиб-

нинг тафаккур маданиятини юксалтиришда гоёт муҳим омилдир. Собик шўро даври жамяти психологиясидаги ички қарама-қаршилиқларни, одамларни маънавийат маҳрум қилишдек эътиқодсизлик мазмунини очиб, инсон ботинидаги эътиқодни, эзулик, ҳиёнатни содоқат орасидаги мурасасиз кўрашни бадиий-фалсафий тадқиқ этиш ҳам кейинги йиллар ўзбек насрида етакчи тамойиллардан бирига айланди. Тоғай Муроднинг "От қишнаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар", Шодикун Хамронинг "Қора кун", Набижон Боқийнинг "Қатнома", Улугбек Ҳамдамнинг "Елғизлик", Саломат Фао-нинг "Қунботардаги аёл",

Наби Жалолдиннинг "Улимнинг ранги" сингари асарлари қисқачилигимизда шахс ва жамят психологиясини воқеага ўрганиш, таҳлил қилишда самарали шаклий-услубий изланишлар кеч-қатнаганлигидан далолат беради.

Одил Ёқубовнинг "Адолат манзили", Пиримкул Қодировнинг "Она лочини дози", Улмас Умарбековнинг "Фотида ва Зукра", Ҳасан Хошимовнинг "Тушда кенга умрлар", Шукур Холмирозавнинг "Динозавр", "Олабуқи", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор", Эркин Самандарнинг "Тангри қудуғи", Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа", "Қўғу олдидаги одам", Ҳожиқабар Ислам Шайхнинг "Туташ одамлар", Муроджон Мансурнинг "Жудоллик дунё", Аббос Саиднинг "Беш кунлик дунё" ва яна қўлбас асарларисиз мустақиллик даври романчилигидаги эпик изланишларни тасаввур қилиш қийин.

Истиқлол даври ўзбек романчилигида шахсни жамят, ижтимоий воқелик, сиёсат ва мафқура билан боғлиқликда фалсафий йўсинда таҳлил этиш тамойили алоҳида кўзга ташланади. Бу борада Одил Ёқубовнинг "Адолат манзили" романида "ўзбек иши" воқеаси фабула асосини белгилаб берган. Ёлғон гоёллар, алдамчи пуч идеаллар йўлида умри завола топанган, истибоднинг қурбонига айланган тақдирлар орқали шўро тузуми иллатларини ичидан ёритиш, ҳаётни таҳлил ва тадқиқ этиш "Адолат манзили" асарининг мағзини ташкил қилади, умумлаштирилган ҳолда зулм-истибод ва шахс эркин масаласи ижтимоий-психологик йўсинда ёритилади. Адибнинг маҳорати шундаки, у шўро истибодининга эмас, шу билан бирга, инсон қўлнинг тўб-тўбидан ин қурган ивго, туман сингари иллатларни, бу иллатларни ўзида ташиган кимсаларнинг манфур қиёфасини ҳам жуда таъсирчан кўрсатишга эришган. Айниқса, Суён Бургутнинг қисмати, изтироби, қийноқлари китобхон қалбини ларзага солади.

Асарни ўқиш жараёнида беҳиттиёр: бу турфа иллатлар илдиш қаерда? Зулмнинг илдишини қирқишга бандаси оқимиз, қурби етмайди? Ва ниҳоят, адолатнинг манзили қайда, деган саволлар кўндаланг бўлади. "Адолат манзили" романида ҳаёт реалиқларини чуқур таҳлил этиш орқали шўро жамяти психологиясини гоёт терең тадқиқ қилишга эришилган. Шу боис, бу асар

ўша давр жамяти ҳаётининг бадиий баркамол синтезидир. Албатта, эришилган улкан ютуқлар билан бирга, адабий жараёнда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Сир эмас, собиқ шўро замониде миллионлаб нусхаларда чоп этилган сиёсатлаштирилган китоблар чанги ҳали димогимиздан кетганини йўқ. Бундай китоблар маънавийни бойитишга эмас, кашоқлаштиришга хизмат қилган эди. Эндиликда, китобхон дидини ўтмаслаштирадиган, бадиий савияси паст китоблар кўпайиб бораётир. Зотан, илмий бўладими, бадиий бўладими, бундай китоблар нашрини муаллифларнинг истеъдодлар даражасига эмас, ақсинча, ҳамёналарга боғлаб қўйиш ақлий ва маънавий камолотга хизмат қилармикан?

Ахир, мустақиллик ёнбошлаб шимиб ётадиган қурбона эмас, балки улғиб бир синов. Мустақилликлар томонидан оёқости этилган моддий ва маданий қадриятларимизни қайта тиклайдиган, халқимизга қайтарадиган синов даври. Шундай масъул ҳолатда санъаткорлар ижодий мустақиллигини, индивидуал салоҳиятини тўла намойиш этиш керак. Кейинги пайтда ҳудуд-беҳудга офарин-бозликка берилиш ҳоллари ҳам кузатилаётир. Ваҳоланки, мустақиллик ижодкорнинг ижодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, шахсийни тўлароқ намоён этиш демакдир.

Истиқлол йилларида буюк алломаларимиз Имом Бухорий, Сулаймон Боқироний, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд мероси, тасаввуф қадриятлари, бир неча минг йиллик тарихий ҳамда маданий меросимизни ўрганаётганимизнинг ўзи улкан бахт. Шундай кенг имкониятлар очилган бир пайтда савз, юзак, зуравонликни, қотиллик, ришват-порнографияни тарғиб этувчи томошаларга, шунчаки вақтинги ўтказиш учун ёзилган кўнгилолар китобларга лоқайд қараб бўлмайди.

